

ПУДРАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА

Дехқонобод МФЙ худудида 2-типтаги спорт комплекс майдони қуриш 1-сонли

«17» июн 2022 йил

Уйчи тумани.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Уйчи туман Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими номидан низом асосида иш кўрувчи Валиханов Исломжон Ғуломжонович бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "IDEAL NAM CITY" МЧЖ номидан низом асосида иш кўрувчи О.Бахриддинов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича Уйчи туман Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими қарашли Дехқонобод МФЙ худудида 2-типтаги спорт комплекс қуриш мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни қурилиш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3. Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

2. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулиқ мулккий жавоб беради.

6. Қурилиш давомида лойҳа смета ҳужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тула муносабат билан қушимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тугрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1.Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **545 400 988** сўмни ташкил этади. Ушбу сумма танлов тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2.Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг **30** фоиз миқдорида аванс утказилади, бу эса **163 620 296** сўмни ташкил қилади. Қолган туловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 30 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи қурилиш ишларини 17.06.2022-йилдан бошлаб 17.07.2022-йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи қурилиш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундан ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5.Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

1.Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3.Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2.Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга муносиб равишда узайтирилади.

3.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари 30 кундан кўп вақтга чўзилса у ҳолда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

IX. Шартномани бекор қилиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан 30 кундан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2.Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги қурилиш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан 15 кундан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда,

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қуйилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга .

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида тугилган ҳоллар бундан мустанно.

Х. Алоҳида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари ўз қучини йукотади.

2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

5. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

6. Шартнома томонлар имзолаб Ғазначилик бўлинмасидан руйхатдан утқандан сунг қучга қиради ва шартноманинг амал қилиш муддати **31 декабр 2022 йилгача**.

Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«Пудратчи»

"IDEAL NAM CITY" МЧЖ

«Буюртмачи»

Уйчи туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими

Манзил: Наманган вилояти Чортоқ туман
Қорабоғ мфй Сернавада 74-уй

Манзил: Уйчи туман Боғ МФЙ Беруний
кўча 6 уй

Тел./факс: 94-3044334, 94-5099599

Тел./факс 69-48-22-185

х/в: 2020 8000 0051 1848 3001

ш/хв 401722860142297013990259001

Банк номи: Асака банк Наманган вилояти
филиали

Банк номи Марказий банк

МФО: 00231

СТИР: 306691094

МФО 00014 СТИР 207316655

ОКОНХ 82120



Рахбар:

О.Бахриддинов



Ўзб.Рес.Молия вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в 2340200030010000101

МФО 00014 ғазначилик бўлинмаси
СТИРи 201122919

Рахбар

И.Валиханов

О.Бахриддинов
(ИМЗО)

И.Валиханов
(ИМЗО)

Юрист: Шайх Р. Досбаев
Мисраев № 83



2424713



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"IDEAL NAM CITY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"IDEAL NAM CITY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

08.09.2019758596

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306691094Tashkiliy-huquqiy
shakli:**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**


Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, Tinchlik, Корабор МФЙ, Сернавада
кучаси, 74-уй,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



МУҲОКАМА АХБОРОТИ

“16” июн 2022 йил

Уйчи тумани

Уйчи тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан 2022 йил “13” июндаги №22110012097270-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи тумани Дехқонобод МФЙ ҳудудида 2-типдаги спорт комплекс куриш ишларини бажариш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "IDEAL NAM CITY" МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённома “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат туганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Уйчи туман Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Бўлим ҳисобчиси

Ташкилий назорат бўйича
етақчи мутахасис

 И.Валиханов

 О.Исмаилов

 Н.Азимов



XALQ DEPUTATLARI UYCHI TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 йил «21» апрель

VI-50-49-6-86-K/22

Уйчи туман ҳокимлиги

Уйчи тумани “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган таклиф учун маблағ ажратиш ва сарфланиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 126-моддасига асосан, “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган таклифни кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Уйчи туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли ҳамда “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида” КҚ-302-IV-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан, жорий йил 5 мартдан 2 апрелгача бўлган муддат давомида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали энг кўп овоз тўплаган таклифлар Уйчи тумани 26-умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш (таклиф ID рақами 0890400003) харажатлари учун 986 (тўққиз юз саксон олти) миллион сўм, 5-сонли умумтаълим мактаби информатика хонаси учун замонавий компютерлар ва қўшимча жихозлар сотиб олиш (таклиф ID рақами 0890400154) харажатлари учун 350,0 (уч юз эллик) миллион сўм, 37-сонли умумтаълим

мактабида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиши учун шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги сабабли ошхона ташкил этиш (таклиф ID рақами 0890400045) харажатлари учун 900,0 (тўққиз юз) миллион сўм, Ахборот-кутубхона маркази биносини жорий таъмирлаш ва замонавий қиёфага келтириш (таклиф ID рақами 0890400140) харажатлари учун 500,0 (беш юз) миллион сўм, Янгичек МФЙ Мустақиллик кучасини асфальтлаш (таклиф ID рақами 0890400159) харажатлари учун 150,0 (бир юз эллик) миллион сўм, “Қумтепа” МФЙ, Қирғизов кўчасини электр симёғочларини янгилаш ва асфальтлаш (таклиф ID рақами 0890400148) харажатлари учун 750,0 (етти юз эллик) миллион сўм, Ободонлаштириш бошқармаси ихтиёрида “Беккер” чуқури қуриш (таклиф ID рақами 0890400051) харажатлари учун 380,0 (уч юз саксон) миллион сўм, Дехқонобод МФЙга 2-типтаги спорт комплекси қуриш (таклиф ID рақами 0890400328) харажатлари учун 565,0 (беш юз олтимиш беш) миллион сўм, Истиклол МФЙ Янги йўл кўчасини асфальтлаш (таклиф ID рақами 0890400002) харажатлари учун 675,0 (олти юз етмиш беш) миллион сўм, Ўнхаят МФЙ худудида жойлашган Машхад қабристонининг 300 метр қисм деворларини янгилаш ҳамда темир дарвоза ўрнатиш (таклиф ID рақами 0890400225) харажатлари учун 413,0 (тўрт юз ўн уч) миллион сўм, тумандаги 41-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиши учун шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги сабабли ошхона ташкил этиш (таклиф ID рақами 0890400061) харажатлари учун 950,0 (тўққиз юз эллик) миллион сўм, 10-умумтаълим мактаби иситиш тизимини жорий таъмирлаш (таклиф ID рақами 0890400100) харажатлари учун 500 (беш юз) миллион сўм, тумандаги Оқтош МФЙ Ифтихор кўчасини асфальтлаш (таклиф ID рақами 0890400111) харажатлари учун 500,0 (беш юз) миллион сўм, жами туман бўйича 6741,0 (олти миллиард етти юз қирк бир) миллион сўм маблағ ажратилсин.

2. “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали ғолиб бўлган таклифлар бўйича ажратилган маблағлар қайта ҳисоб китоб қилиниб, иқтисод қилинган маблағлар ғолиб бўлган таклифларни етишмаган қисми ҳисобига йўналтирилсин.

3. Ҳаражатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарларига:

ажратилган маблағ доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган хужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлини масига тақдим этиш;


ажратилган маблағдан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман маҳаллий бюджетига қайтариш чораларини кўрсинлар.

4.Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Маҳмудов)га бюджет харажатлар режасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман газначилик бўлими (Орзибоев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш вазифалари топширилсин.

5.Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Хожимирзаева) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Нурматов) зиммаларига юклатилсин.

6.Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Kengash raisi



Sh.Musayev